

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Норқобилов Музаффар Жумаевич

**ИЖТИМОЙ КАПИТАЛ – МИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МАНБАИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

УДК: 1:[330.14:330.162](575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Норқобиллов Музаффар Жумаевич

Ижтимоий капитал – миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш манбаи..... 3

Норқобиллов Музаффар Джумаевич

Социальный капитал – источник обеспечения национальной
солидарности..... 23

Norkobilov Muzaffar Jumaevich

Social capital - a source of ensuring national solidarity 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 48

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.O3/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Норқобилов Музаффар Жумаевич

**ИЖТИМОЙ КАПИТАЛ – МИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИКНИ
ТАЪМИНЛАШ МАНБАИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Fal394 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Чориев Санжарбек Анварович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Назаров Қиём Нормирзаевич
фалсафа фанлар доктори, профессор

Джўрақулов Ҳусан Анварович
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил “22” ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (206 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “9” ноябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил “9” ноябрь даги 26 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А. З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Намозов Б. Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнлари замонавий жамиятнинг ижтимоий капитали табиатига салбий таъсир ўтказётганлиги инсоннинг фуқаролик позициясига эга бўлишини, жамият соҳаларида фаоллик кўрсатишини, ижтимоий фойдали ишларда иштирок этишини ва мотивациясини ривожлантиришни талаб қилмоқда. Бу жараён ва омиллар таъсири жамиятдаги ижтимоий алоқалар мазмунини, шахслараро алоқалар характерини, ўзаро ишонч муҳити, кишиларнинг ижтимоий нормаларга амал қилиши даражасини, умуминсоний кадриятларга мойиллик меъёрини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркибий тузилишини, эволюцияси ва шаклланиш қонуниятларини, консолидацион хусусиятларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида ижтимоий капитал, унинг инсон ва жамият тараққиётига таъсири, ижтимоий капитал манбалари, даражаларини ўлчаш услубларига оид концепцияларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий-назарий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай илмий изланишлар натижасида илгари сурилган концепциялар, назариялар, таълимотлар, ёндашувлар ижтимоий капитални ривожлантиришни, уни тараққиёт дастурлари асосида янгилаб боришни, мазкур ижтимоий-фалсафий муаммони илмий қизиқишлар марказига олиб чиқишни талаб этмоқда. Айниқса, ижтимоий капиталнинг шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормаларга амал қилиш ва кадриятларга мойиллик каби таркибий элементларини инсоннинг ижтимоий-маънавий моҳияти билан диалектик алоқадорликда тадқиқ этиш зарурати ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда “инсон кадри учун” тамойили асосида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид ислоҳотлар амалга оширилмоқда. “Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари каторидан жой олишини таъминлашдир. Бунинг учун аҳолининг барча қатламларига муносиб ҳаёт даражасини ва турмуш шароитларини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя тизими самараси, бандлик ва даромадлар барқарор ўсишига эришиш, жамиятнинг умумий маданияти, бағрикенглик ва меҳрибонлик фазилатларини янада ошириш бўйича олиб бораётган эзгу ва савобли ишларимизни янада кучайтиришни ўзимизнинг бурчимиз, деб ҳисоблаймиз”¹. Шу туфайли ижтимоий алоқалар характерининг инсон омилини фаоллаштириш, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантириш, тараққиётга сафарбар этиш жиҳатларини ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан очиб бериш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

¹ Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021.- Б.264.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 14 декабрдаги 781-сон “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркиби, шаклланиши қонуниятлари ва ривожлантириш ресурслари, функциялари ва мезонлари мутахассислар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Ижтимоий капиталнинг ижтимоий алоқалар аҳамиятини ифодалаш мақсадида Л. Ханифан, Ж. Жейкобс, ижтимоий алоқалар йиғиндиси сифатида П. Бурдьё, ижтимоий меъёрлар ва ахлоқий қадриятлар мажмуи сифатида Д. Коулмен ва Р. Пэтнам илмий таҳлилларни амалга оширган². Хорижда ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркиби билан боғлиқ ёндашувлар К. Чарльз ва П. Клайн, Р. Иглехард, Ж. Тюрнер, Ф. Фукуяма асарларида тадқиқ қилинган³.

² Hanifan, L. J. (англ.)рус.. Annals of the American Academy of Political and Social Science (англ.). - The rural school community center, 1916.; Джекобс Джейн. Города и богатство наций: Принципы экономической жизни. /Cities and the Wealth of Nations / под ред. канд. экон. наук О. Н. Лугового. Пер. с англ. Д. А. Ананьев. - Новосибирск: Культурное наследие, 2009. -С. 332.; Бурдьё П. Формы капитала / Пер. с англ. М. С. Добряковой; Бурдьё П. Различение: социальная критика суждения (фрагменты книги) / пер. с фр. О. И. Кирчик // Западная экономическая социология: хрестоматия современной классики. - М.: РОССПЭН, 2004. - С. 680; Коулмен Дж. Капитал социальный и человеческий // Общественные науки и современность, 2001. - №3; Пэтнам Р. Чтобы демократия сработала: гражданские традиции в современной Италии / (англ.) рус. Пер. с англ. А. Захаров. - М.: AdMarginem, 1996. - С. 287.

³ Қаранг: Charles K., Kline P. Relational Costs and the Production of Social Capital: Evidence from Carpooling.// <http://www.nber.org/papers/w9041>; Inglehart R. Modernization and Post Modernization: Cultural, Economic and Political Change in 43 Societies.- New Jersey, 1997; Turner J. The Formation of Social Capital. Social Capital: A Multifaceted Perspective.-Washington, 2000.; Фукуяма, Фрэнсис. Сильное государство: Управление и мировой порядок в XXI веке (2006) - Cornell University Press, 2004.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида кейинги йилларда муаммога доир илмий тадқиқотларнинг натижалари илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинди. М. Горожанкина, О. Демков, И. Дискин, А. Епанчинцев, Н. Калюжнова, А. Коньков, С. Ракша, Р. Роуз, Н. Тихонова, М. Фейзба, С. Хмельницкий илмий изланишларида ижтимоий капиталнинг параметрлари, ижтимоий-маданий тизимдаги ўрни, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга таъсири очиқ берилган⁴.

Мамлакатимизда ижтимоий капитал билан боғлиқ илмий изланишлар олиб боришда маълум натижаларга эришилган. Бу ўринда ижтимоий капитал ривожига фуқаролик жамияти институтларининг роли, Ўзбекистонда ижтимоий капитал ривожининг тарихий илдизлари А. Чориев, С. Чориев, С. Саидов, Д. Эрназаров, Қ. Назаров, И. Саифназаров, Б. Алиев, А. Мухтаров, Х. Джўракуловларнинг илмий ишларида таҳлил этилган. И. Эргашев, Н. Жўраев, А. Муминов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ижтимоий капиталнинг фуқаролик жамиятига оид хусусиятлари, унинг сиёсий ва ҳуқуқий масалалари тадқиқ этилган⁵.

Юқорида қайд этилган олимларнинг ижтимоий капиталга оид изланишларидан ушбу тадқиқот ишида унумли фойдаланилди. Аммо, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ижтимоий алоқаларни кенгайтириш ва жамиятда ишонч омилини мустаҳкамлаш асосида ижтимоий капитални ошириб бориш масалалари алоҳида тадқиқ этилмаганлиги фуқаролик жамиятининг маънавий асоси – ижтимоий капиталнинг миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги роли, маънавий кадриятларни шакллантиришдаги ўрнини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини намоён қилмоқда.

⁴ Горожанкина М. Е. Экономический институт в контексте теории социального капитала // Научные труды ДонНТУ. Серия Экономика, 2010, Вып. 70. –С.70-76; Демков О. Социальный капитал: теоретические основания исследования и операциональные параметры// Социология: теория, методы, маркетинг, 2004, №4. – С. 99-111; Дискин И. Е. Социальный капитал в глобальной экономике// Общественные науки и современность, 2003, № 5. –С. 150-159; Епанчинцев А. О. Социальный капитал в западных и российских социокультурных системах: Автореф. дис. канд. социол. наук. -Ростов н/Д., 2005; Калюжнова Н. Я. Социальный капитал как фактор региональной конкурентоспособности в новой экономике// Труды Всероссийского симпозиума по экономической теории. Т.2.- Екатеринбург, 2008. –С. 77-80; Коньков А. Т. Социальный капитал и экономическое взаимодействие. - М.: Изд-во РУДН, 2006; Ракша С. В. Институционализация социального капитала в рыночной экономике: Автореферат дис. канд. экон. наук.- Ростов н/Д., 2005; Роуз Р. Достижение целей в квазисовременном обществе: социальные сети в России // Обществ. науки и современность, 2002, № 3. – С.33-38; Тихонова Н. Е. Социальный капитал как фактор неравенства// Общественные науки и современность, 2004, № 4. – С. 24-35; Фейзба М. Я. Социальный капитал как фактор экономического развития территории: Автореф. дис. ... канд. экон. наук.- М., 2007; Хмельницкий С.А. Теория социального капитала: институциональный подход // Вестник Калининградского юридического института МВД России, 2009, № 2. – С.120-125.

⁵ Чориев А.Ч. Инсон фалафаси. Мустақил шахс. Иккинчи китоб. – Т.: Чўлпон, 2005; Чориев А., Чориев С. Миллий истиқлол мафқураси ва баркамол инсон шахсини шакллантириш. - Т.: Чўлпон, 2005; Жўракулов Х. Замонавий экотуризм ривожига шахс экологик ҳуқуқий онгини юксалтириш зарурати: Фалс. ф.д. (DSc) дисс. –Самарқанд: СамДУ, 2021; Назаров Қ. Кадриятлар фалсафаси (Аксиология). – Т.: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашри., 2004; Алиев Б.Б. Шахс маънавий-ахлоқий тарбияси ҳамиша муҳим. // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2022, vol. 2, №23. – Р 628-632; Саифназаров И., Умаржонов С. Янги Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.// Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2022, vol. 2, №23. – Р. 414-424; Саидов С.Ш. Ижтимоий капитал ривожига фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш тенденциялари: Сиёсий фанлар бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореф.- Т.: ЎзДЖТУ, 2019; Эрназаров Д.З. Ўзбекистонда ижтимоий капитал ривожланишининг тарихий илдизлари.// <https://www.researchgate.net/publication/340090986>

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АТ-03-сон “Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида маънавий маданият юксалишининг хусусиятлари” (2017-2022 йй) мавзусидаги амалий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусиятини юксалтириш ҳамда миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги имкониятларини такомиллаштиришга оид таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркибий элементларига доир назарий мулоҳазаларни умумлаштириш;

тарихий тараққиёт давомида ижтимоий капитал эволюциясини таҳлил қилиш орқали унинг турли даврлардаги ғоявий асосларини очиб бериш;

замонавий жамиятдаги ижтимоий капитал шакллариини ўрганиш асосида унинг ривожланганлиги даражасини констатация қилувчи мақбул услубларни аниқлаш;

Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг асосий хусусиятлари, бажараётган ижтимоий функциялари ва уни ривожлантириш имконини берадиган ресурсларни ифодалаб бериш;

Ўзбекистонда ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусиятини заифлаштираётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги имкониятларини кенгайтириш йўллариини кўрсатишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг ҳолати ва ривожланиш жараёнлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусияти ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги имкониятларини аниқлаш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, диалектик, қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий капиталнинг шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормаларга амал қилиш ва қадриятларга мойиллик каби таркибий элементлари инсоннинг табиий, ижтимоий, маънавий моҳияти билан диалектик алоқадорликка эга эканлиги сабабли кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида турли ғоявий асосларга (тотемизм, диний ғоялар, гуманизм, маърифатпарварлик) таянгани далилланган;

замонавий жамиятда ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини ўлчаш услублари (Фукуяма, ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш, ижтимоий капитални баҳолаш) апробацияси орқали “шахс-шахс”, “шахс-ижтимоий институт”, “шахс-давлат” шаклидаги ижтимоий алоқалар характерининг инсон омилини

фаоллаштириш, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантириш, тараққиётга сафарбар этиб белгилаш варианты аниқланган;

Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг асосий хусусиятлари, шахслараро ҳамкорликнинг инсонпарвар характерда эканлиги, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдам амалиётининг мустаҳкамлиги, ижтимоий нормаларга қатъий амал қилиш тамойили, кадриятларга содиқлик кайфияти билан тавсифланиши фалсафий жиҳатдан асосланган;

Ўзбекистондаги ижтимоий капитал консолидацион хусусиятини (миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш) мустаҳкамлаш учун уни заифлаштираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муаммоларни ижтимоий капитал ривожланиши қонуниятларига (ижтимоий капитал асосларининг муаммоларга тескари пропорционаллиги, ижтимоий капитал ва ахлоқий градация уйғунлиги) таянган ҳолда бартараф этиш зарурлиги фалсафанинг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқлик тамойиллари асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ижтимоий капиталнинг мазмуни ва таркибий элементлари, функциялари ва эволюциясининг ғоявий асослари аниқланган ҳамда ижтимоий-фалсафий муаммоларни тадқиқ қилишда, таълим ва тарбия муассасаларида ўқув-услубий ва тарбиявий-мафкуравий ишларни амалга оширишда назарий-методологик асос вазифасини ўташи асослаб берилган;

замонавий жамиятдаги ижтимоий капитал шакллари, Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва бу борадаги маънавий тарғибот-ташвиқот фаолиятида қўлланилган;

ижтимоий капиталнинг ривожланиши қонуниятлари асосида унинг консолидацион хусусиятини мустаҳкамлаш йўллари (ижтимоий капитал асосларини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш, ахлоқий градацияни таъминлаш) такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ижтимоий капиталнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ фалсафий назария ва таълимотларни яратишда илмий-назарий асос, ижтимоий капиталнинг ривожланиш қонуниятлари, унинг миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги ролини аниқлашга мўлжалланган илмий-тадқиқотларни олиб боришда методологик манба сифатида, фуқаролик жамиятининг миллий-маънавий асосларини ўрганишнинг назарий жиҳатларини янада бойитиш, таълим

муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда, ўқув-услубий таъминотини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонни янада ривожлантиришга оид стратегик дастурва чора-тадбирлар режасини амалга оширишда, маънавий-маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларида, таълим муассасаларининг таълим-тарбиявий жараёнида, миллий ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган ижтимоий тадбирларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусияти ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлашдаги имкониятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ижтимоий капиталнинг шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормаларга амал қилиш ва кадриятларга мойиллик каби таркибий элементлари инсоннинг табиий, ижтимоий, маънавий моҳияти билан диалектик алоқадорликка эга эканлиги сабабли кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида турли ғоявий асосларга (тотемизм, диний ғоялар, гуманизм, маърифатпарварлик) таянганига оид назарий мулоҳазалар ва амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган ПЗ-2017093070-рақамли “Ўзбекистонда ижтимоий шерикликнинг бугунги кун талабларига мос келадиган моделларини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 19 августдаги 01/10-11-4780-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон ёшларининг турмуш тарзини оптималлаштириш йўллари, ёшларда соғлом одат ва кўникмаларни шакллантириш, уларни зарарли одатлардан ҳимоя қилиш, соғлом тафаккурни шакллантириш масалаларига эътибор бериш заруратини асослашга ҳамда лойиҳани янада такомиллаштиришга хизмат қилган;

замонавий жамиятда ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини ўлчаш услублари (Фукуяма, ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш, ижтимоий капитални баҳолаш) апробацияси орқали “шахс-шахс”, “шахс-ижтимоий институт”, “шахс-давлат” шаклидаги ижтимоий алоқалар характерининг инсон омилини фаоллаштириш, ижодкорлик салоҳиятини ривожлантириш, тараққиётга сафарбар этиш каби омилларига доир назарий мулоҳазалар ва амалий таклиф-тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг СҚ-361-IV-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида» қарорнинг ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ўқув семинарлари ташкил этиш, индикаторлар асосида рейтинг баҳолаш методикаси ишлаб чиқиш ҳамда ёшлар етакчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) бўйича электрон баҳолаш механизми йўлга қўйиш вазифаларини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг

2022 йил 19 январдаги 4-17-23-139-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг маънавий салоҳиятини юксалтириш, уларда кучли фуқаролик позициясини юксалтириш, ёшлар тарбиясида миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрнини янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ ахлоқий категорияларни шакллантириш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган;

Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг асосий хусусиятлари шахслараро ҳамкорликнинг инсонпарвар характердалиги, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдам амалиётининг мустаҳкамлиги, ижтимоий нормаларга қатъий амал қилиш тамойили, кадриятларга содиқлик кайфияти билан тавсифланишига доир назарий мулоҳазалар ва амалий тақлиф-тавсиялардан Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан 2019 йилда “Ёшлар ва қонун” концепциясини ишлаб чиқишда, “Тафаккур синовлари” кўрик танлови низомини ишлаб чиқишда, “Ёшлар келажак бунёдкори” шиори остида “Уюшмаган ёшлар билан ишлаш тизими самарадорлигини ошириш: муаммо ва истикболлари” комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2022 йил 12 январдаги 04-13/30-сон маълумотномаси). Натижада, Ёшлар иттифоқининг бош мақсадини амалга оширишда назарий-методологик асос сифатида ҳамда инсон шахсининг жамиятда камол топишига қаратилган тадбирлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

Ўзбекистондаги ижтимоий капитал консолидацион хусусиятини (миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш) мустаҳкамлаш учун уни заифлаштираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муаммоларни ижтимоий капитал ривожланиши қонуниятларига (ижтимоий капитал асосларининг муаммоларга тескари пропорционаллиги, ижтимоий капитал ва ахлоқий градация уйғунлиги) таянган ҳолда бартараф этиш зарурлигини фалсафанинг ўзаро алоқадорлик ва ўзаро боғлиқлик тамойилларига оид назарий мулоҳазалар ва амалий тақлиф-тавсиялардан Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2017 йил 20 февралдаги “Огоҳлик давр талаби”, 2017 йил 7 декабрдаги “Муносабат”, 2019 йил 11 апрелдаги “Мунаввар кун”, 2020 йил 6 ноябрдаги “Долзарб мавзу” рукни остида эфирга узатилган кўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 31 декабрдаги 01-01/134-сон маълумотномаси). Натижада, томошабинларнинг ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусиятини мустаҳкамлаш учун уни заифлаштираётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий муаммоларни ижтимоий капитал ривожланиши қонуниятларига таянган ҳолда бартараф этиш зарурлигига доир янги илмий маълумотлар билан танишиши, хабардорлик даражасининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, етти параграф, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 131 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ижтимоий капитални тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда “ижтимоий капитал” тушунчаси мазмуни ва таркиби, омиллари ва мезонлари аниқланади, ижтимоий капитал эволюцияси ва замонавий социумдаги аҳволи ўрганилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш каби жиддий аҳамиятга молик дастурни рўёбга чиқариш масаласи энг аввало миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашни тақозо қилади. Миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган омиллар талайгина. Улар орасида ижтимоий капитал алоҳида ўрин тутаяди. Чунки юксак даражада ривожланган ижтимоий капитал жамиятда ҳукм сураётган иқтисодий тизим самарадорлигини оширади, сиёсий тизим барқарорлигини таъминлайди, ижтимоий фаровонлик параметрларининг ўсиши ва жамият аъзоларининг маънавий юксалишлари учун замин яратаяди, миллий ҳамжиҳатликни таъминлайди.

Ижтимоий капитал – жамиятдаги ижтимоий алоқалар характерини, жамият аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги даражасини, уларнинг бошқа кишилар ва институтларга ишончи меъёрини, умумий ижтимоий норма ва қадриятларга мойиллиги даражасини ифодаловчи тушунчадир. Диссертант томонидан берилган ушбу таърифдан кўриниб турибдики, унинг таркиби шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормалар, жамият аъзолари учун умумий бўлган қадриятлар каби элементларни ўз ичига олади. Ушбу элементларнинг шаклланганлиги даражаси жамият ижтимоий капиталининг салмоғини, ҳажмини белгилайди. Салмоқли ижтимоий капитал барқарорлик омили, тараққиёт манбаи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ижтимоий капитал ҳолатини қатор *мезонлар* ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунинг учун қатор иқтисодий (тадбиркорликнинг ривожланганлиги даражаси, меҳнат самарадорлиги, ишсизлик даражаси ва ш.к.), ижтимоий

(фуқароларнинг ҳаёти сифати, жамият аъзоларининг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятидаги иштироки, жамиятдаги камбағаллик меъёри, қонунбузарликлар миқдори ва ш.к.), сиёсий-ҳуқуқий (ижтимоий капиталнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши аҳволи, ижтимоий капитални ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳволи ва ш.к.), маънавий-маданий (ўзаро ёрдам кайфиятининг шаклланиши даражаси, шахснинг маънавий ривожига хизмат қиладиган ресурсларнинг мавжудлиги ва ш.к.) мезонларга асосланиш зарур бўлади. Турли статистик маълумотлар, социологик тадқиқот натижалари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган ва ҳаққонийлиги асосланган факт ва аргументлар ижтимоий капитал даражасини аниқлашнинг муҳим манбаси бўлиб хизмат қилади.

Диссертацияда ижтимоий капитал ўзгармас, қотиб қолган воқелик эмаслиги таъкидланган. У инсоният тарихи мобайнида турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий тенденцияларга монанд ҳолда ўзгара борган. Ижтимоий капиталнинг шаклланишига туртки берган омилларни *тарихий тараққиётнинг илк босқичларидан* изламоқ лозим. Бу даврда у муайян фаолият давомидаги ўзаро ёрдамга асосланган эди. Ўзаро ҳамкорликнинг нормалари эса турли одат ва табулар орқали мувофиқлаштирилди. Бу даврда қарор топган шахсий ҳамкорлик шакллари, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдам ҳоллари, амал қилган норма ва кадриятлар кейинчалик ижтимоий капиталнинг мураккаб таркибини ташкил этган элементларнинг дастлабки кўринишлари эди.

Хўжалик юритиш шаклларининг мураккаблашиши билан инсоният ўзининг тарихгача бўлган давридан *қадимги дунё* номини олган даврга қадам қўйди. Қадимги дунёдаги ижтимоий ўзгаришлар ижтимоий капитални ўзаро уйғунликка эга бўлмаган корпоратив капиталлар йиғиндисига айлантди. Бундай вазиятда шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч фақат бир табақа вакиллари ичидагина мавжуд эди, холос. Жамият аъзоларининг табақа ёхуд синфга мансублигидан қатъи назар умумижтимоий миқёсдаги шахслараро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Ягона ижтимоий капиталнинг шаклланиши қадимги жамият барқарорлигига, аъзоларининг ҳамжихатлигига салбий таъсир кўрсатиб келди.

Эрамининг V асрида Ғарбда, VII асрида эса Шарқда инсоният тарихининг энг узоқ босқичини ўзида мужассам қилган *ўрта асрлар даври* бошланди. Бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, жамият таркибидаги янгиланишлар бир табақа ичидаги шахслараро ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келтирди. Айти пайтда ижтимоий зарурият турли табақа вакиллари ўртасидаги ҳамкорликнинг илк кўринишларини ҳам вужудга келтирди. Бу ҳамкорлик шакллари дин нормалари ва кадриятларига мутаносиб равишда амалга оширилди.

Ренессанс даврида жамият ҳаётининг турли соҳаларида содир бўлган сифатий ўзгаришлар жамият аъзолари ўртасидаги алоқалар, шахслараро ҳамкорлик характерига жиддий таъсир кўрсатди. Ўрта асрлардаги шахслараро ҳамкорлик таркибида бир табақа вакиллари ўртасидаги алоқалар

устуворлик қилган бўлса, Ренессанс даврида бу ўзига хослик кескин ўзгарди. Турли ижтимоий гуруҳларнинг бир-бирига эҳтиёжмандлик даражаси ошди, бу ҳол жамиятдаги алоқаларнинг нафақат таркибини, балки сифатини ҳам ўзгартирди. Жумладан, шахсларо ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, эркинлик тамойилларига асосланадиган бўлди. Жамиятдаги шахсларо ҳамкорлик, ижтимоий нормалар ва қадриятлар табиатига шу даврдаги гуманизм ғоялари ривожини ҳам из қолдирди.

Ижтимоий капиталнинг яхлит тизим сифатида шаклланишида *Янги замонда* кечган жараёнлар ва тенденцияларнинг аҳамияти катта бўлди. Янги замондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, табақа ва синфлар таркибидаги ўзгаришлар, улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар трансформацияси ижтимоий капитални умумижтимоий миқёсдаги феноменга айлантди. Бу даврга келиб, шахсларо ҳамкорликнинг янги шакллари вужудга келди, унинг норма қадриятлари эса маърифатпарварлик ғояларига таянадиган бўлди.

Замонавий социумда иқтисодий жараёнлар характери ўзгарди ва жадаллашди, ижтимоий алоқалар мураккаблашди, сиёсий жараёнлар янгича тус олди, маънавий-маданий жараёнлар интенсивлашди. Албатта, ушбу ўзгаришлар турли мамлакатларда турли шаклда ва суръатда кечмоқда. Айнан ана шу шакл ва суръатлардаги турли-туманлик ижтимоий капиталнинг ҳам турли шакл касб қилишига сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан мамлакатлардаги ижтимоий капитал аҳволини ўлчаш услубиётини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш зарурияти долзарб тус олмоқда.

Диссертант бугунги кунда жамиятдаги ижтимоий капиталнинг аҳволи ва ривожланганлиги даражасини ўлчашда энг кўп қўлланиладиган уч услуб мавжудлигини қайд этган. Улардан биринчиси “*Фукуяма услуби*” деб номланади. Бу услуб Ф. Фукуяманинг “Ишонч: ижтимоий фазилатлар ва фаровонлик сари йўл” номли асарида ифодалаб берилган⁶. У муайян ижтимоий гуруҳ вакиллари амал қиладиган норма ва қадриятлардаги тафовутларни таҳлил қилиш орқали ишонч радиусини аниқлашга қаратилган.

Иккинчи услуб *ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги даражасини индексда ифодалаш услуби* деб номланади. Бунда жамиятдаги ижтимоий алоқалар мустаҳкамланишига, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончнинг ошишига хизмат қиладиган статистик кўрсаткичлар, факт ва аргументлар умумлаштирилади ва мазкур умумлашмалар асосида жамият ижтимоий капиталининг индекси аниқланади. Бугунги кунда мазкур услуб турли жамоатчилик институтлари ва халқаро ташкилотлар (АҚШдаги “Edelman” фирмаси, “Transparency International” халқаро нодавлат ташкилоти, Буюк Британиядаги Легатум Институти) томонидан кенг қўлланилмоқда.

SOCAT (Social Capital Assessment Tool – ижтимоий капитални баҳолаш услуби) номини олган учинчи услуб ўтган асрнинг охирларида Жаҳон банки мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Услуб ижтимоий капиталнинг

⁶ Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию / пер. с англ. – М.: ООО “Издательство АСТ”, 2004. – С. 730.

ривожланганлиги даражасини олти тоифага (гуруҳ ва тармоқларнинг зичлиги ва турлитуманлиги, оиладаги ва ижтимоий алоқалардаги ишонч даражаси, умумжамоавий саъй-ҳаракатлар, ижтимоий ҳамжиҳатлик даражаси, коммуникациялар аҳволи, фуқароларнинг сиёсий масалаларни ҳал қилишдаги иштироки даражаси) таснифланган кўрсаткичларни баҳолаш асосида аниқлашни назарда тутди⁷.

Тадқиқотчи фикрича, улар орасида энг кўп қўлланилаётгани индексда ифодалаш услубилигича қолмоқда. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, мазкур услуб ижтимоий капиталнинг барча таркибий элементлари – шахслараро ҳамкорлик, ўзаро ишонч, ижтимоий нормалар, жамият аъзолари учун умумий бўлган кадриятларнинг шаклланганлиги даражасини муфассал ифодалаш имконини беради. Иккинчидан, ушбу услуб ижтимоий капиталнинг ривожланганлиги ҳолатини белгилашда ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий, ҳам маънавий-маданий соҳаларга доир кўрсаткичларга мурожаат қилишни тақозо этади. Учинчидан, бу услуб ижтимоий капитал индексини белгилашда тасодифий эмас, зарурий алоқаларга таянади. Тўртинчидан, у мутахассислар ва халқаро экспертлар томонидан энг кўп эътироф этилган услуб ҳисобланади.

Мазкур изланишлар асосида мамлакатлар ижтимоий капитали индекси белгиланади. Жумладан, 4-5 баллик индекс ижтимоий капиталнинг энг юқори даражада ривожланганини, 2-4 баллик индекс ижтимоий капиталнинг юқори даражада ривожланганини, 0-2 баллик индекс ижтимоий капиталнинг ўрта даражада ривожланганини, 0 баллдан кам индекс ижтимоий капиталнинг паст даражада ривожланганини ифодалайди. Одатда бундай индекслар асосида жамият аъзолари турмушининг фаровонлиги даражаси ва миллий ҳамжиҳатликнинг шаклланганлиги меъёри хусусида хулоса қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўзбекистондаги ижтимоий капитал моҳияти ва консолидацион хусусиятидаги ўзгаришлар”** деб номланиб, унда мамлакатимиздаги ижтимоий капиталнинг хусусиятлари, аҳволи, функциялари, ривожлантириш ресурслари ҳамда бугунги кунда уни заифлаштираётган муаммолар очиб берилади.

Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг ўзига хос хусусиятлари турфа *табиий, тарихий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллар* оқибати ўлароқ қарор топа борди. Мураккаб табиий шарт-шароитлар, минтақанинг барча даврларда турли давлат ва сиёсий давралар диққат марказида тургани, аграр иқтисодиёт, жамоавий турмуш тарзи, эзгу ғоялар ва маърифатни тарғиб қилган ислом омили шахслараро ҳамкорликни, зарурият юзага келганда бошқа жамият аъзоларининг ёрдам беришига бўлган ишончни, ўзаро ёрдам амалиётини кишилар ҳаётини фаолиятининг муҳим элементларидан бирига айлантирди.

⁷ Стебаков А.А. Методы измерения уровня социального капитала в России и за рубежом // Известия Саратовского университета. Серия Экономика. Управление. Право, 2014, Т. 14, Вып. 2, Ч.2. –С.434.

Диссертацияда Ўзбекистондаги ижтимоий капитал ўзининг мазмунан бойлиги, инсонпарвар характери, юксак савияси билан ажралиб туради. Легатум институтининг рейтинг жадвалида Ўзбекистондаги ижтимоий капитал даражаси жаҳоннинг 167 мамлакати (қолган мамлакатларга доир маълумотлар келтирилмайди) ўртасида 27-ўринни эгаллаши қайд этилади⁸. Жамиятда кечаётган турли муносабатларда унинг қатор ўзига хос хусусиятлари ёрқин намоён бўлаётир. Жумладан, мамлакатдаги турли жараёнлар контекстида юксак даражадаги *шахслараро ҳамкорлик* намуналари яққол кўзга ташланмоқда. Фуқаролар ўртасидаги *ўзаро ишонч* меъёри, турли ижтимоий институтларга ишонч даражаси шу қадар баландки, мушкул вазиятларда ёрдам сўраб қилинган оддий мурожаат ҳам эътибордан четда қолмаётир. Мамлакатимизда фуқароларнинг *ижтимоий нормаларга амал қилиши* аҳволи барқарорлигича сақланмоқда. Ижтимоий капиталнинг яна бир таркибий элементи – фуқароларнинг умумэтироф этилган *қадриятларга содиқлиги* ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида яққол кўзга ташланади.

Диссертант юксак савияда ривожланган ижтимоий капитал мамлакатда қатор ижтимоий *функцияларни* бажараётганлигини таъкидлаган. Юксак даражада ривож топган ижтимоий капитал мамлакатимизда, биринчидан, давлат ҳокимиятининг муҳим манбаи бўлиб қолмоқда. Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлаш омили вазифасини ўтамоқда. Учинчидан, ижтимоий барқарорликни асраш имкониятларини кенгайтирмоқда. Тўртинчидан, турмуш даражасини мақбул меъёрда сақлаб туриш имконини бермоқда. Бешинчидан, жамият маънавий хавфсизлигини асраш омили бўлиб қолмоқда. Олтинчидан, миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамламоқда.

Айни пайтда жамиятимизда ана шундай муҳим ижтимоий функцияларни бажараётган ижтимоий капитални янада ривожлантириш *ресурслари* ҳам мавжуд. Хусусан, келажакда ижтимоий капитални юксалтириш учун қуйидаги ресурслардан фойдаланиш мумкин:

■ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарашлари ва ва у томонидан олиб борилаётган прагматик сиёсат;

- Янги Ўзбекистон стратегияси;
- иқтисодий ислохотлар;
- тадбиркорликнинг ривожланаётгани;
- фуқаролик жамияти институтларининг ривожланаётгани;
- ижтимоий ҳимоя тизимининг такомил топаётгани;
- таълим тизими мазмунининг ўзгараётгани;
- ошкораликнинг пайдо бўлгани;
- маънавий янгиланишлар;
- миллий қадриятлар устуворлиги.

Ўзбекистонда юксак даражада ривож топган ижтимоий капиталнинг асосий хусусиятларидан бири унинг консолидацион характерга эгаллиги

⁸ Қаранг: The Legatum Prosperity Index 2021. Creating the Pathways from Poverty to Prosperity.// <https://www.prosperity.com/rankings>.

билан боғлиқ. *Ижтимоий капиталнинг консолидацион характери* деганда унинг миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш, миллат вакилларини умумижтимоий манфаатлар атрофида бирлаштириш, уларнинг фаолиятини ягона мақсад сари йўналтириш борасидаги имкониятлари назарда тутилади. У шахслараро ҳамкорликнинг инсонпарвар хусусиятга эгалигида, ўзаро ишончнинг умумижтимоий тус олганида, ижтимоий нормаларга амал қилиш ижтимоий заруриятга айланганида, кадриятларнинг жамият аъзоларини бирлаштирувчи қудратга айланганида намоён бўлади.

Диссертант фикрича, ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусияти жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий жараёнларга мутаносиб равишда шакллангани боис айнан шу соҳадаги муаммолар таъсирида заифлашмоқда. Хусусан, қатор иқтисодий (ишсизлик, иқтисодий лоббизм, иқтисодий волюнтаризм), ижтимоий (таълим сифати пастлиги, ижтимоий таъминотда салбий ҳолатлар мавжудлиги, коммунал хизмат сифати пастлиги, ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш малакаси пастлиги), сиёсий (тўрачилик, формализм, прагматик ёндашув танқислиги), маънавий (маънавий тарғибот тизими стагнацияси, маънавий-маърифий фаолиятда ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги) муаммолар бу хусусиятнинг заифлашишига замин яратмоқда. Албатта, Ўзбекистонда ижтимоий капитал консолидацион хусусиятининг заифлашуви ижтимоий барқарорлик ва миллий ҳамжиҳатликка таҳдид соладиган даражага етгани йўқ. Бироқ бугуннинг ўзидаёқ ижтимоий капитал таркибий элементларида айрим жузъий салбий ҳолатлар кўзга ташланмоқда. Жумладан:

- шахслараро ҳамкорликнинг инсонпарварлик тамойилларига зид бўлган шакллари пайдо бўлмоқда;
- фуқароларнинг давлат органлари, ижтимоий институтлар, ўзга фуқароларга ишончини суиистеъмол қилиш ҳоллари кўзга ташланмоқда;
- ижтимоий нормаларга онгли равишда амал қилмаслик ҳоллари кузатилмоқда;
- асрлар давомида қарор топган кадриятларга эътиборсизлик, уларни менсимаслик ҳоллари такрорланмоқда.

Бу салбий ҳолатлар жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий-маданий ютуқларидан ижтимоий капитални мустаҳкамлаш йўлида фойдаланиш, уни янада ривожлантириш имконини берадиган ресурсларни оқилона қўллаш масаласини кун тартибига қўймоқда.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистондаги ижтимоий капитал консолидацион хусусиятини мустаҳкамлаш йўллари”** деб номланиб, унда Бунинг учун энг аввало ижтимоий капиталнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, жамият ахлоқий градациясини таъминлаш зарурлиги исботланган.

Ўзбекистондаги ижтимоий капиталнинг консолидацион хусусиятини, миллий ҳамжиҳатликни таъминловчи омил сифатидаги қудратини сақлаш учун унинг ривожланишига доир икки қонуниятга таяниш зарур бўлади. *Биринчидан*, ижтимоий капитал иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий асосларининг жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва

маънавий муаммоларнинг бартараф этилишига йўналтирилгани сайин ижтимоий капитал консолидацион хусусияти мустаҳкамлана боради. Бунинг учун: а) ижтимоий капитал консолидацион хусусиятини мустаҳкамлашнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий асосларини аниқ белгилаб олиш зарур; б) ижтимоий капитал консолидацион хусусияти асосларининг бугунги аҳволини таҳлил қилиш ва умумлаштириш лозим; в) ижтимоий капитал консолидацион хусусияти асосларини уни заифлаштирувчи омилларни бартараф этишга йўналтириш йўллари аниқлаш керак.

